Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 74 (8314). 13 апрель, 1984 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

КЕЧА МОСКВАДА ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТУГАЛЛАДИ.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Совет жамиятининг куч ва қудрати манбаи—партия билан халқнинг бирлигидадир. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Совети биринчи сессиясининг иши буни яққол тасдиқлади. Сессия жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларига хос бўлган ижодий изланиш ва юксак талабчанлик руҳини, омманинг меҳнат ва ижтимоий активлиги ўсиб бораётганлигини, уларнинг коммунистик бунёдкорликнинг янги-янги марраларини эгаллашга шайлигини акс эттирди.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланганлигини яқдил маъқуллаб кутиб олдилар. Улар Марказий Комитетнинг апрель Пленумида ва СССР Олий Советининг сессиясида сўзлаган нутқларидаги қоидалар ва хулосаларни партиянинг накази сифатида қабул қилдилар.

Депутатлар партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги пленумлари йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларини халқ манфаатларини ва коллектив тажрибасини ифодалаган ҳолда ўз мамлакатининг чинакам хўжайинлари позицияларида туриб муҳокама қилдилар.

12 апрель куни ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг иккинчи қўшма мажлиси очилди.

Депутатлар ва меҳмонлар **К. У. Черненко, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларининг гулдурос давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Миллатлар Советининг Раиси **А. Э. Восс** мажлисга раислик қилади.

СССР Министрлар Советини ташкил этиш масаласи юзасидан СССР Министрлар Советининг Раиси депутат **Н. А. Тихоновга** сўз берилади.

СССР Олий Советининг топшириғига биноан Н. А. Тихонов КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Советининг партия группаси тасдиқлаган СССР Министрлар Совети составини: СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосарлари ва ўринбосарлари, министрлар, СССР Давлат Комитетларининг раислари ва СССР бошқа марказий идораларининг раҳбарлари, шунингдек иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг раислари (улар СССР Конституциясининг 129-моддасига мувофиқ вазифалари жиҳатидан СССР Министрлар Совети составига киридилар) лавозимларига номзодларни сессия муҳокамасига тақдим этади.

СССР Олий Совети СССР ҳукумати —СССР Министрлар Совети составини бир овоздан тасдиқлайди.

СССР Министрлар Советининг келгусидаги фаолияти тўғрисида СССР Мниистрлар Советининг Раиси **Н. А. Тихоновга** сўз берилади. Совет ҳукуматининг баёноти зўр эътибор билан тингланиб, бир неча марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Олий Совет ички ва ташқи сиёсат соҳасида СССР Министрлар Советининг келгусидаги фаолияти асосий йўналишларини маъқулловчи қарорни бир овоздан қабул қилди.

Сўнгра Олий Совет умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари депутат **Г. А. Алиев** доклад қилди.

Сўнгра музокаралар бошланди.

Украина меҳнаткаштлари, деди Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. Ф. Ватченко**, ислоҳот лойиҳасини муҳокама қилишда фаол қатнашдилар. Уларнинг кўпгина таклифлари лойиҳани поёнига етказишда қабул қилиниб, жойлардаги амалий ишда ҳозирдаёқ ҳисобга олинмоқда. Бироқ, деб таъкидлади депутат, олдимизда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг, меҳнат коллективларининг, оила билан мактабнинг биргаликдаги куч-гайрат сарфлашини тақозо этадиган катта ва анча мураккаб ишлар турибди.

Мактаб ва ёш авлодни тарбиялаш проблемалари, деб таъкидлади РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари депутат **Л. Б. Ермин**, ҳамиша партия билан давлатнинг диққат марказида турибди.

Нотиқ умумий таълим ва ҳунар мактабини такомиллаштириш соҳасида ҳозир республикада қилинаётган ишларга батафсил тўхталди. У умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида қарор қабул қилиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Ленинграддаги 90-ҳунартехника билим юртининг мураббий-инструктори депутат **Б. А. Журавлев** Ленинград қурилиш индустриясининг корхоналари учун кадрлар тайёрлаётган билим юртининг иши тўғрисида гапириб берди. У умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш лойиҳасини маъқуллаб, унинг фикрича, қўшимча равишда ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча проблемаларга тўхталди. Жумладан, деб уқтирди у, ҳунарларнинг ягона рўйхатини тузиш, билим юртларини битириб чиқувчилар учун малакали ишчининг ягона давлат дипломини белгилаш зарур.

СССР Композиторлар союзи правлениесининг секретари депутат **Д. Б. Кабалевский** ўтказилаётган мактаб ислоҳоти ғоят ўз вақтида қилинаётган иш эканлигини таъкидлади. У мактаб ислоҳоти тўғрисидаги ҳужжатнинг узил-кесил текстида санъатнинг эстетик қимматигина эмас, шу билан бирга унинг зўр тарбиявий, ғоявий ва аҳлоқий кучи, жамият турмушидаги ўзгартирувчилик роли таъкидлансин, деган истакни билдирди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **В. М. Мишин** ислоҳот лойиҳаси кенг муҳокама қилинганлигини уқтириб ўтди. Йигит ва қизлардан 90 мингдан кўпроқ конкрет таклиф, мулоҳаза ва тавсиялар тушди.

Нотиқнинг фикрича, ўрта умумий таълим мактабининг уставида ва ўқувчилар учун қоидаларда, комсомол ва пионер ташкилотларининг, ўқувчилар ўз-ўзини бошқариш органларининг ўқувчилар коллективлари турмушидаги роли ва ўрнини тўлиқроқ ҳамда аниқроқ акс этти риш зарур.

Тбилисидаги И. Чавчавадзе номли ўрта мактаб ўқитувчиси депутат **И. В. Лагидзе** болаларни олти ёшдан ўқитиш соҳасида Грузияда орттирилган дастлабки тажрибани гапириб берди. Республиканинг умумий таълим мактаблари, деди у, мактаб ислоҳотини келгуси ўқув йилиданоқ амалга оширабошлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Мактабни ислоҳ қилиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР Министрлар Советининг раиси депутат **А. А. Громико** сўзга чиқиб,

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ

(Бошы 1-бетда).

Ўтган йил охирида СССР Олий Совети дунёдаги вазият агрессив империалист кучларнинг айби билан гоят кескинлашиб кетганлиги сабабли жиддий хавотирлик билдириб, ҳукуматга давлатимиз билан унинг иттифоқчилари хавфсизлигини таъминлашга, халқаро вазиятни яхшилик томон ўзгартиришга олиб борадиган зарур тадбирларни бундан буён ҳам амалга ошира боришга қаратилган йўлни давом эттиришни топширган эди. Ҳукумат бундан буён ҳам ана шу йўлга оғишмай амал қилиб, инсониятни ядро уруши хавфидан халос этишга, тинчликни мустаҳкамлашга ва барча мамлакатлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган сиёсатни амалга ошира беради.

Совет ҳукумати СССР ҳеч кимнинг хавфсизлигига тажовуз қилмайди, у ҳамма билан тинчликда яшашни истайди, деб шу юксак минбардан туриб таъкидлаб ўтиш учун менга ваколат берди. Мудофаани мустаҳкамлаш юзасидан биз кўраётган тадбирлар — АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар милитаристик доираларининг ҳарбий-стратегик мувозанатни бузиш йўлидаги телбаларча уринишларига нисбатан қонуниятли жавобдир. Биз бундай мувозанат ҳар қандай шароитларда ҳам сақлаб қолинади деб айтамиз. Бизнинг ҳам, дўстларимиз ва иттифоқчиларимизнинг ҳам хавфсизлиги пухта таъминланаверади!

Ҳукумат мудофаани мустаҳкамлаш тўғрисида етарлича ғамхўрлик қилиб, айни вақтда дунёдаги ҳарбий-стратегик мувозанат энг паст даражада сақланиб қолиши учун имкони бўлган ҳамма ишни қилади. Биз тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи одилона асосда қурол-яроғларни чеклаш ҳамда қисқартиришга доир туб чора-тадбирлар тўғрисида шартлашиб олишга тайёрмиз.

Маълумки, АҚШ Ғарбий Европада ўзининг янги ракеталарини жойлаштириш билан ўртача олисликка учириладиган ядровий воситалар юзасидагина эмас, шу билан бирга стратегик ядро қуроли юзасидан ҳам музокаралар олиб боришга тўсиқлар вужудга келтирди. Америка томони бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиб, аввалги аҳволга қайтган тақдирда музокараларни яна бошлаш, шу масалалар юзасидан ўзаро мақбул шартномага эришиш йўлларини қидириб топиш имконияти очилади.

СССР Олий Советининг топшириғига мувофиқ ҳукумат ядро қуролига эга бўлган барча давлатларнинг ҳукуматларига илгари маълум қилинган конкрет ва реалистик таклифлар асосида ядро қуролларини кўпайтирмай қўйиш ғоясини амалга ошириш йўлларини излайди.

Ҳукумат космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш проблемасини ҳал этиш муҳим ва шошилинч эканлигига асосланиб, қуролланиш пойгасининг космик фазога ёйилиб кетиши хавфи тугатилиши учун куч-ғайратни активлаштиради, ўз ихтиёридаги барча мавжуд имкониятлардан фойдаланади.

Қуролланиш пойгасини тўхтатишга, халқаро вазиятни соғломлаштиришга, кескинликни юмшатишга қаратилган таклифларимиз Ғарб мамлакатларига яхши маълум. Биз улардан конструктив жавоб кутамиз.

Инсониятни ядро уруши хавфидан халос этиш учун ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг ўз ўрталаридаги муносабатларида муайян нормалар комплексини биргаликда эътироф этиш тўғрисида шартлашиб олиши алоҳида аҳамиятга эга бўлур эди.

Константин Устинович Черненконинг 2 март куни сўзлаган нутқида олға сурилган бу муҳим таклиф тинчликсеварлик руҳида эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу ҳақда шартлашиб олиш барча халқларнинг манфаатларига мос келган бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳукумат барча социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама дўстона алоқаларни янада ривожлантиришга бундан буён ҳам чуқур ва зўр эътибор бериб, социалистик ҳамдўстлик давлатлари билан қардошларча ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлайверади. Коммунистик партия билан Совет давлати сиёсатида алоҳида ўрин олган ана шу муносабатларга ҳар бир мамлакатнинг суверенитети, манфаатлари ва хусусиятларини тўла ҳурмат қилган ҳолда мақсадларнинг муштараклиги ва қарашларнинг бирлиги асос қилиб олинган.

Социалистик ҳамдўстлик бирлигини, унинг жипслигини биз халқларимизнинг биргаликдаги буюк бойлиги сифатида асраймиз ва мустаҳкамлаймиз. Тинчлик ва социал тараққиёт таянчи бўлмиш унинг позицияларини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашаверамиз. Бу иш ҳукуматнинг ташқи сиёсий фаолиятида энг асосий эътибор бериладиган иш бўлиб қолади.

Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларнинг сиёсий ва мудофаа иттифоқини мустаҳкамлаш масалалари, Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш вазифалари бизнинг диққат марказимизда бўлади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг олий даражадаги бўлажак иқтисодий кенгаши қардош давлатлар ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу Кенгаш ҳамдўстлик мамлакатлари олдида яна ҳам кенг истиқбол ва имкониятлар очади, деб умид қилиш учун ҳамма асослар бор.

Совет Иттифоқи халқаро ташкилотларнинг, аввало БМТнинг фаолиятида аввалгидек ташаббускорлик билан актив иштирок этаверади, кўп томонлама конференциялар ва анжуманларда конструктив йўлни ўтказиб ларда ўзаро мақбул аҳдлашувларни излайверади.

Шуни таъкидлаш зарурки, биз ҳамиша бўлганидек, халқаро сиёсатда нуфузли тинчликсевар куч сифатида иш кўраётган қўшилмаслик ҳаракатининг фикрига эътибор билан қулоқ соламиз.

Барча қитъалардаги мамлакатлар Совет Иттифоқи улар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришга тайёр эканлигига бундан буён ҳам умид боғлайверишлари мумкин. Табиийки Совет Иттифоқи кўп йиллар мобайнида анъанавий дўстлик, ўзаро манфаатли алоқалар боғлаб келаётган мамлакатларга алоҳида эътибор беради. Ўз қўшниларимиз билан муносабатларни ривожлантириш тўғрисида биз доимо ғамхўрлик қилаверамиз. Биз уларнинг ҳаммаси билан чинакам яхши муносабатларда бўлишни истаймиз.

Биз Совет Иттифоқининг капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликка қаратилган йўли ўзгармас эканлигини таъкидлаймиз. Ўз-ўзидан маълумки, бундай йўл тенгликка, бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка ва бирон-бир тарзда камситишга йўл қўймасликка асосланади.

Биз ядро уруши хавфини, умуман уруш хавфини даф этишга астойдил интилаётган, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашни истаётган, тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида ҳамкорликнинг ҳаётий зарурлигини тушунаётганларнинг ҳаммаси билан ишлашга тайёрмиз.

* * *

Депутат ўртоқлар! Сайлов кампанияси давомида ва унинг якунларида, сайловчиларнинг наказларида Коммунистик партия билан Совет давлатининг сиёсий йўли тўла-тўкис маъқулланганлиги билдирилди, халқнинг Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун курашда куч-ғайратларини кўпайтиришга бўлган хоҳиш-иродаси изҳор этилди. Ҳукуматнинг тасдиқланган состави халқ иродасини бажо келтириш учун ўзининг бутун кучи, билими ва тажрибасини сарфлайди, деб сизларни ишонтириб айтишга ижозат бергайсиз.

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ВА ҲУНАР МАКТАБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. АЛИЕВ доклади

Янги чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, унинг партия ва давлат турмуши энг муҳим масалалари юзасидан қабул қилган қарорлари белгиловчи таъсири остида ўтмоқда, деди Г. А. Алиев. Ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқи совет кишиларининг, бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Бу нутқда ҳозирги босқичда Совет ҳокимиятининг олий органи ишини, Советларнинг бутун системаси ишини яхшилаш вазифалари белгиланган, мактабни ислоҳ қилиш ва уни амалга ошириш йўлларига чуқур сиёсий баҳо берилган, КПССнинг бундан буёнги фаолияти йўналишлари кўрсатилган. Мамлакат коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўртоқ К. У. Черненконинг нутқини бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий ҳужжат деб, партиянинг халқ бахт-саодати ва тинч турмуши тўғрисидаги, социалистик Ватани равнақ топтириш ҳақидаги доимий ғамхўрлигининг яққол тасдиғи деб кутиб олдилар.

Совет кишилари ушбу сессиянинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Константин Устинович Черненкони СССР Олий Совети Президиумининг Ранси этиб сайлаш тўғрисидаги қарорини астойдил табрикладилар. Мана шу жуда муҳим давлат ишида, бу ҳақда бутун халқ билдираётган фикр ва мулоҳазаларда халқнинг жонажон Ленин партиясига чексиз ишончи, уларнинг хоҳиш-иродаси ва ақл-заковати бирлиги ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Бу — ўртоқ К. У. Черненконинг буюк ишчанлик ва шахсий фазилатлари, унинг коммунистик қурилиш улуғ ишига беками-кўст сарфлаётган сиёсий донишмандлиги ва ташкилотчилик истеъдоди ифодасидир.

Партия ўзининг XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ва 1984 йил февраль Пленумлари йўл-йўриқларига биноан, деди сўзини давом эттириб докладчи, ривожланган социализм шароитида халқ маорифини такомиллаштириш ва ёш авлодни тарбиялашнинг стратегик программасини ўртага қўйди. Бу программа ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир совет оиласининг туб манфаатлари билан, мамлакат социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг етилган эҳтиёжлари билан белгиланади.

Ҳозирги пайтда партия билан халқ ишининг асосий мазмунини ташкил этувчи ривожланган социализмни такомиллаштириш социал воқеликнинг ҳамма соҳаларидаги чуқур ўзгаришларда мужассамлашмоқда, бу эса ҳар бир ходимга умумий маълумот ва касб-кор таълими беришга нисбатан, унинг маънавий хусусиятларига ва ижодий ўсишига нисбатан янги талаблар қўймоқда. Бошқача қилиб айтганда, етук социализмни такомиллаштириш бош ишлаб чиқарувчи кучгина бўлиб қолмай, шу билан бирга маънавий бой, ахлоқий олижаноб шахс-актив граждан ҳам бўлмиш совет кишисини камол топтириш билан чамбарчас боғланган. Ҳозир бутун тарбия системасининг куч-ғайратлари шу вазифага қаратилган, янги социалистик типдаги шахсни вояга етказиш соҳасидаги ишнинг асосий маркази шундадир.

Бу иш болалик йилларида, оилада, мактабда бошланади. Шу боисдан КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми идеология ишини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишни энг муҳим вазифалардан бири қилиб қўйди. Бутун таълим ва тарбия ишини, ёш авлодни турмушга ва меҳнатга тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш — бу ислоҳотнинг энг асосий мақсадидир.

КПСС ислоҳотнинг асосий йўналишларини белгилаганида жаҳон маданияти тўққизлари сари шитобли юксалишда, биринчи Совет давлатининг иқтисодий ва социал жиҳатдан гуркираб тараққий этишида бебаҳо роль ўйнаган совет халқ маорифининг бой тажрибасига ва ютуқларига таянди. Социализм омманинг маърифати ва маънавий ривожланиши, меҳнат аҳлининг истеъдодлари ва ижодий кучларини равнақ топтириш учун қилган ишни бошқа ҳеч қандай ижтимоий тузум қилмаган ва ҳозир ҳам қила олмайди, деди нотиқ.

Совет мактаби ҳозир ҳам ўзининг олижаноб вазифаларини муваффақиятли бажармоқда, аммо унинг фаолиятида маълум камчиликлар ҳам бор. Партиямиз ҳамиша келажакни илмий планлаштира олиш маҳорати билан, эртанги кун эҳтиёжларини олдиндан кўриш, унга онгли равишда тайёрланиш маҳорати билан ажралиб келган. Шу нарса қонуниятлидирки, КПСС Марказий Комитети халқ маорифи соҳасидаги етилган проблемаларни таҳлил этиб, таълим ва тарбияга янада кенг ва мувозанатли янгича ёндашишни ишлаб чиқди, бу нарса ислоҳот лойиҳасида белгилаб берилган. Ислоҳот Ленининг ғояна, меҳнат, политехника мактаби тўғрисидаги ғояларини ҳозирги шароитларга татбиқан изчиллик билан ривожлантиради, жамиятнинг бутун тарбиявий кучини бирлаштириш имконини беради, оммани маънавий маърифатли қиладиган системамизни мактаб қурилиши энг зарур масалаларини ҳал этишга ижодий ёндашиш билан бойитади.

КПССнинг энг юксак программавий мақсади — ҳар томонлама камол топган инсонни вояга етказишда йигит ва қизларни илмий, марксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбиялаш биринчи даражали ўрин олади. Мактаб ўз талабалари коммунистик эътиқодининг мустаҳкам пойдеворини яратиши, уларни интернационализм, халқларнинг қардошларча дўстлиги руҳида тарбиялаши, кўп миллатли Ватанимизнинг жонкуярлари қилиб, уни ҳимоя қилишга доим тайёр кишилар қилиб тарбиялаши керак. Ислоҳот ёш авлодларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги бутун ишни турмуш олдимизга қўяётган юксак талаблар даражасига кўтариш, партия ва халққа астойдил садоқатли, фаол ва мард кишиларни тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Бугун муҳокама қилинаётган ҳужжат совет мактабининг ленинча принципини — таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшишни етук социализм шароитларига ва уни такомиллаштириш вазифаларига мувофиқ равишда конкретлаштиради. Унда белгиланаётган тадбирларнинг амалга оширилиши мактабдаги таълим ва тарбия ишини реал ишлаб чиқариш билан тўлиқроқ боғлаш имконини беради, мактабдаги меҳнатни аҳён-аҳёнда бўладиган бир нарсадан мунтазам нарсага, мактаб турмушининг иккинчи даражали компонентидан асосий компонентларидан бирига айлантиради.

Бу эса ёшларимизнинг социал камол топиши бутун жараёни учун муҳим аҳамиятга эга бўлади, чунки меҳнатсеварликни тарбиялаш — инсон шахсининг энг асосий фазилатини тарбиялашдир, жамиятнинг турмушини ҳам, айрим шахснинг турмушини ҳам қуриш мумкин бўлган асосни вужудга келтиради. Шахс халқ бахт-саодати йўлидаги, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатдагина граждан сифатида қарор топади. Социализм — меҳнаткашлар жамиятидир, шу сабабли фақат меҳнатгина бу соҳада одамларнинг шон-шарафини ҳам, қадр-қимматини ҳам белгилайди. Бу — бизнинг социал адолат принципимиздир, бу принцип мустаҳкамдир.

Ёшларга умумий ўрта маълумот беришни умумий касб-кор таълимини бериш билан тўлдириши ва унга ўтишни таъминлаши лозим бўлган ислоҳот совет мактабини меҳнат тарбиясини кучайтириш йўлига солиб юборади. Барча йигит-қизлар, шу жумладан ўрта умумий таълим мактабини битириб чиққан ёшлар ўз меҳнат фаолияти бошланмасданоқ муайян касбни эгаллашларига эришиш вазифаси қўйилмоқда. Бу бизнинг катта социал ютуғимиз бўлиб, халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлаш ишини яхшилабгина қолмай, шу билан бирга йигит ва қизлардан меҳнатга онгли эҳтиёж сезиш туйғусини вужудга келтиришга кўмаклашади, уларга ўз ҳаётий истиқболини тўғрироқ танлаб олишда ёрдамлашади, умумий таълим мактабининг социал вазифаларини ва ролини сезиларли равишда оширишга олиб боради.

Ислоҳот ҳунар-техника таълими системасининг обрўси ва аҳамиятини анча оширади, деб таъкидлади докладчи. Тўлиқсиз ўрта мактабни тугаллаган ўқувчиларни ҳунар-техника билим юртларига қабул қилиш тахминан икки ҳисса кўпаяди. Фан-техника тараққиёти юзага келтираётган янги касблар бўйича ишчилар тайёрлаш анча кўпаяди. Ўқув юртининг ягона типи — «ўрта ҳунар-техника билим юрти» қарор топади.

Мактабдаги ҳунар таълимини ўқувчиларга умумий таълим бериш савиясию янада ошириш билан, уларни маънавий жиҳатдан ҳар томонлама вояга етказиш билан узвий равишда боғлаб олиб боришни таъминлаш зарурати — ислоҳотнинг принципиал талабидир.

Ҳунар таълимини политехника таълими билан тўғри қўшиб олиб боришнинг аҳамиятини ҳам таъкидламоқ керак, бу нарса фан-техника революцияси шароитида ходимнинг меҳнатни ўзгартириш, турдош, баъзан эса мутлақо янги касбларни ўзлаштириш, ўзини-ўзи доимо такомиллаштириш қобилиятини анча ошириш имконини беради. Мактабни партия белгилаб берганидек ривожлантириш диалектикаси ҳам шундан иборатки, ўқувчиларга меҳнат, ҳунар таълими беришнинг бутун системаси умумий таълимни янада анча яхшилаш негизига қурилиши лозим. Муайян ихтисосни ўзлаштириш мактаб ўқувчиси учун ҳаёт йўлини танлаш имкониятини кенгайтириши лозим, у ёки бу предметни чуқур ўрганишга зўр бериш эса айни вақтда ҳамма фанларни асосли равишда ўзлаштиришни назарда тутади.

Докладчи лойиҳанинг муҳокамаси чинакам бутун халқ педагоглар кенгашига айланиб кетганини, унда ҳаммаси бўлиб 120 миллионга яқин киши қатнашганини маълум қилиб, муҳокамада иштирок этган барча гражданларга, меҳнат коллективларига, ташкилотларга КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва Совет ҳукумати номидан чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Бу муҳокаманинг энг асосий сиёсий якуни шундан иборат бўлдики, совет кишилари ислоҳотнинг мақсадлари ва асосий қоидаларини якдиллик билан маъқуллаб партия билан халқнинг мустаҳкам бирлигини намойиш этдилар, деди у. Муҳокама КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг хулосалари муҳимлигини, партиянинг ижтимоий ривожланиш проблемаларини ўз вақтида аниқлаб, уларни тўғри ҳал этиш йўлларини топиш маҳоратини яққол кўрсатди.

Коллектив ақл-заковат ислоҳот лойиҳасини анча бойитди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ўртоқ К. У. Черненко раислигидаги комиссияси меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазаларини таҳлил этиб, якунловчи ҳужжатга юзга яқин қўшимча, аниқлик ва тузатиш киритди. Кўпгина таклифлар ислоҳотни амалга ошириш юзасидан тайёрланаётган қарорларда инобатга олинди, шунингдек амалий ишда фойдаланиш за келгусида ўрганиш учун министрликлар ҳамда идораларга юборилди. Таълим-методик характерга эга бўлган таклифларнинг анчагина қисми халқ маорифи органларининг инструктив ҳужжатларида эътиборга олинади.

Сўнгра докладчи тушган таклифларнинг баъзиларига тўхталиб ўтди. Жумладан, умумий таълим мактабининг тузилиши ҳақида, айниқса ўқиш муддатини ўн йилдан ўн бир йилга узайтириш за болаларни олти ёшидан ўқитишга ўтиш тўғрисида жуда актив мунозара бўлди. Илмфан маълумотлари мана шу янгиликни жорий этишнинг мақсадга мувофиқ эканлигига ишонтирмоқда.

Она тили билан бир қаторда дўстлик ва қардошлик тили бўлиб қолган, совет кишилари миллатлараро алоқа воситаси деб ихтиёрий равишда қабул этган рус тилини ҳам чуқур ўрганиш масалалари зўр манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Барча миллат фарзандларини жаҳон цивилизацияси бойликларидан баҳраманд қилаётган рус тили ғоят муҳим социал-сиёсий ва маданий аҳамиятга молик омил бўлиб қолди. Шу тарихий реалликни кенг ифодаловчи ҳужжат ўрта мактабни битириб чиққан ҳар бир киши рус тилини бемалол билишига кўмаклашиши лозим. Бундай қилиш миллий тилларни асло камситмайди, балки аксинча бу тилларнинг бойишига ва янада ривожланишига ёрдам беради. Ислоҳот мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элатнинг маориф ва маданият соҳасидаги ўзига хос эҳтиёжларини жуда пухта ҳисобга олишни назарда тутади.

Нотиқ умумхалқ муҳокамаси чоғида тушган бошқа таклифларга тўхталиб, эндиликда мактаб ишини яхшилаш соҳасидаги амалий ишда биронта муҳим фикрни эътибордан четда қолдирмаслик зарурлигини таъкидлади. Халқ фикрини, халқ донолигини ардоқлаш — партиямизнинг ленинча анъанасидир. Биз шу анъанага муттасил амал қилаверамиз.

СССР Олий Советининг ушбу сессияси ривожланган социализм шароитида совет мактаби концепциясини тайёрлаш ва унинг умумхалқ муҳокамасини аслида ниҳоясига етказмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР ҳукумати Совет ҳокимиятининг олий органи ислоҳотнинг асосий йўналишларини маъқуллашга ва унга давлат ҳужжати тусини беришига умид қилади. Шу тарика янги босқич—ислоҳотни турмушга татбиқ этиш босқичи бошланади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ислоҳотни амалда рўёбга чиқаришга қаратилган ҳужжатларни тайёрладилар. Г. А. Алиев ташкилий-сиёсий характердаги тадбирлар жиддий моддий таъминот билан мустаҳкамланаётганини таъкидлаб, келгуси беш йилликда 7 миллион ўринли, яъни ҳозирги беш йилликка нисбатан қарийб икки баравар кўп янги мактаблар, ҳунар-техника билим юртларининг сал кам 800 та комплекси, мактабдан ташқари кўпгина муассасалар қурилиши планлаштириб қўйилганини маълум қилди. Ислоҳотни амалга ошириш учун давлат бюджетидан сал кам 11 миллиард сўм ажратилади, шундан йилига 3,5 миллиард сўми халқ маорифи ходимларининг иш ҳақини шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб босқичма-босқич оширишга ишлатилади. Биз маориф ишига қилинадиган сарфни маблағларни жуда ўринли харажат қилиш деб ҳисоблаймиз, бунда биз улардан келгусида олинадиган иқтисодий самаранигина назарда тутмаётганлигимиз ўз-ўзидан равшан. Совет кишиларининг маданияти ва онг-тилилиги ўсиши, ёш ўринбосарларимизнинг истеъдодлари ривожланиши ва келгусида рўёбга чиқиши — бу соҳадаги асосий фойдамиздир. Бундай ёндашиш социалистик тузум моҳиятининг ўзидан келиб чиқади, партиянинг ёш авлод тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлиги шуни тақозо этади.

Ислоҳотнинг муваффақияти учун бизда илмий асосланган программа, билимдон кадрлар, салмоқли моддий база бор. Эндиги вазифа ишни конкрет равишда ташкил қилишдан иборат. КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарори, ўртоқ К. У. Черненконинг нутқи унинг асосий йўналишларини аниқ-равшан белгилайди. Чамаси, ишни партия билан ҳукуматнинг ислоҳот тўғрисидаги ҳужжатлари маъноси ва мундарижасини халқ маорифи системасининг барча бўғинларига, унинг ҳамма ходимлари онгига етказишдан, ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, ҳунар-техника билим юртининг мастери қайси ишларни, қандай қилиб ва қайси муддатларда қилишлари кераклигини мутлақо аниқ билишларига эришишдан бошламоқ керак.

КПСС Марказий Комитети ислоҳотнинг миқёсини ва комплекс характерини эътиборга олиб, уни амалга оширишга босқичма-босқич ёндашишни тавсия этади. Мактаб қурилишининг энг катта, стратегик вазифалари — умумий таълим ва ҳунар мактаби тармоғини ривожлантириш ва базасини мустаҳкамлаш — нисбатан узоқ муддатга — 1995 йилгача мўлжалланган. Мактабнинг янги типовой ўқув планини, ўқувчиларга меҳнат таълими ва коммунистик тарбия бериш программаларини, норматив актлар туркумини яратиш, бошқа бир қанча проблемаларни ҳал этиш сингари ўқув-методик характердаги масалалар эса жуда оператив тарзда ҳал қилиниши керак.

Ўқитувчи — ислоҳотни амалга оширишда асосий фигурадир. Партия билан давлат унинг фидокорона меҳнатини ҳамиша юксак қадрлаб келдилар ва қадрламоқдалар. Ислоҳот ўқитувчининг обрў-эътиборини янги юксакликка кўтаради. Ёш авлодларга таълим ва тарбия бериш учун ўқитувчининг жамият олдидаги масъулияти беқиёс ошмоқда. Ўқитувчи ўзининг педагоглик маҳоратини доимо такомиллаштириши, болаларнинг ақли ва дилига энг яхши йўлларни топиши, ёшлар учун социалистик ахлоқийлик мураббийси, тақлид қилиш учун юксак намуна, ибрат бўлиши керак.

Партия билан давлат ўқитувчилар олдига катта вазифалар қўяр эканлар, айни вақтда маориф ходимларининг ижтимоий обрўйини ошириш тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳақида ғамхўрлик қилмоқдалар. Педагогларни маънавий жиҳатдан рағбатлантириш формалари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Сўнгра нотиқ бутун халқ маорифи системасини бошқаришни яхшилаш, мактабга раҳбарлик услуби ва методларини анчагина ўзгартириш зарурлигига тўхталди. Ҳамма жойда — мамлакат Министрлар Советидан тортиб халқ депутатлари район советларининг ижроия комитетларигача — маориф ва тарбия системаси турли бўғинларининг куч-ғайратларини мувофиқлаштирувчи идораларо комиссиялар тузиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ислоҳот СССР Педагогика Фанлари академияси, Фанлар академияси олдига, бутун совет фани олдига катта вазифалар қўяди.

Докладчи маориф соҳасидаги ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда халқ депутатлари советларининг масъулияти анча ошишини алоҳида таъкидлади. Қишлоқ мактаби уларнинг кундалик эътиборига, айниқса муҳтож. Советлар мактаб ўқувчиларига меҳнат тарбияси бериш учун зарур шарт-шароитлар яратишга ҳам янгича ёндашишлари, завод ва фабрикаларнинг, колхоз ва совхозларнинг жуда катта имкониятларидан моҳирона фойдаланишлари керак.

Давлатимиз билан жамиятимиз структурасида ислоҳотдан четда қола оладиган, маҳкамачилик тўсиғи орқали ундан ўзини четга оладиган биронта бўғин йўқ. Ҳар бир министрлик ва идора масалаларнинг кенг доираси юзасидан мактабга ёрдам беришни ўз кундалик фаолиятининг ажралмас қисми деб билиши ва ислоҳотни рўёбга чиқаришдаги ўз вазифаларини равшан тасаввур этиши зарур, деб таъкидлади нотиқ.

Ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг энг асосий масалаларини ўз ичига олувчи ислоҳот Ленин комсомолининг, Совет касаба союзларининг қонуниятли равишда жуда муҳим иши бўлиб қолади.

Халқ маорифининг хилма-хил вазифаларк амалга оширилиши оила билан мактабнинг баҳамжиҳат иш кўришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Болалар тарбияси учун ота-оналарнинг жавобгарлигини кучайтириш, оталар ва оналарнинг педагоглик билимдонлигини ошириш, оилавий тарбия билан жамоат тарбиясининг уйғун равишдаги бирлигини таъминлаш — бу соҳада ўртада турган ўта, аммо яхлит вазифадир.

Халқ маорифимизни янгилашга маданият муассасалари, ижодий союзлар ҳам салмоқли ҳисса қўшишлари керак.

Биз ҳаммамиз узоқ вақт, аниқ мақсадни кўзлаб, кўпинча қунт билан ва кун сайин катта иш қилишимиз керак, ҳамма соҳада бўлгани каби бу ишда ҳам партия комитетлари ва ташкилотлари беқиёс ташкилотчилик ролини ўйнайдилар. КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми уларнинг зиммасига совет мактабини янгилашнинг бутун жараёнини доимий назорат остига олиб, уни йўлга солиб туриш, совет халқ маорифи ҳақли равишда фахрланадиган қимматли тажрибаларнинг бир миқолини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифасини юклади. КПСС Марказий Комитетининг маорифни такомиллаштириш масалаларига оид кўрсатмалари ўз вақтида, тўла-тўкис амалга оширилиши учун ҳамма ишни қилиш-бизнинг партиявий ва гражданлик бурчимиздир.

Янги чақириқ ССР Иттифоқи Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини совет мактабини ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилишдан бошлаётганлиги рамзий бир ҳодисадир. «Совет жамияти улуғ мақсадларимиз сари дадил олға силжимоғи учун, — деб таъкидлади ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумида, —ҳар бир янги авлод маълумот ва умумий маданиятнинг, касб-кор малакаси ва граждан активлигининг янада юқори поғонасига кўтарилиши керак. Таъбир жоиз бўлса, социал тараққиётнинг қонуни мана шундай». Мактаб ҳақида доимий ғамхўрлик қилиш— партиянинг Ленин васиятларига содиқлигининг, сиёсатимиз тинчликни кўзлашининг яққол исботидир, деди сўзининг охирида нотиқ. У КПСС Марказий Комитети ишлаб чиқкан ва бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланган мактаб ислоҳоти муваффақиятли равишда амалга оширилади, деб қатъий ишонч билдирди. **(Давомли қарсаклар).**

(ТАСС).

МАЪҚУЛЛАЙМИЗ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумида ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган нутқ ҳамкасб ўртоқларимда, айниқса биз, депутатларда катта таассурот қолдирди.

Константин Устинович қардошларча халқлар дўстлигини қарор топтириш ишида советларнинг катта роли тўғрисида айтган сўзлари менда айниқса кучли таассурот қолдирди. Тошкент тракторсозлари коллективида СССРдаги қарийб 40 та миллат ва элат вакили бир оила бўлиб яшамоқда ва меҳнат қилмоқда. Корхонамизнинг ўзи ҳам қардошларча халқлар дўстлигининг самараси бўлиб, уни барпо этишда Совет Иттифоқидаги кўпчилик трактор заводлари қатнашди. Биз депутатлар меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасида ҳамиша катта иш қилиб келдик ва қиляпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қўйилган барча халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ва халқнинг юксак ишончини шараф билан оқлаш учун биз, депутатлар, бутун коллектив билан бирга энг кўп куч-ғайрат сарфлаймиз.

Муҳаммаджон ТУРОПОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг созловчиси, Тошкент шаҳар совети депутати.

* * *

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети апрель Пленумида сўзлаган ёрқин нутқида мактабни ислоҳ қилиш катта программаси олға сурилган. КПСС Марказий Комитети лойиҳасини муҳокама қилишда бутун мамлакат: ишчилар ва олимлар, ўқитувчилар ва уй бекалари, қишлоқ меҳнаткашлари ва хизматчилар қатнашганликлари биз маориф ходимлари учун айниқса қимматлидир.

Мактабни ислоҳ қилиш — бирданига ўтказиладиган тадбир эмас, деди Константин Устинович Черненко. Бу нарса мактаб ислоҳотини бундан буён ҳам муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир совет кишисига боғлиқ эканлигини билдиради. Ёш авлодни тарбиялаш шошма-шошарликни ёқтирмайдиган ғоятда муҳим ишдир. Бунда собитқадамлик ва изчиллик зарур. Шу машаққатли йўлда коммунистлар раҳбарлигида ҳамма вазифалар муваффақиятли ҳал этилишига шубҳа йўқ. Партия режаларини бажаришда бутун халқ иштироки бунга гаровдир.

Б. МИРАҲМЕДОВ,
Тошкентдаги 92-мактаб ўқитувчиси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ Ю. В. МАЛИШЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси ўртоқ Юрий Васильевич **Малишев Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали** билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. В. Малишевнинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Советининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Советининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1984 йил, 11 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ Г. М. СТРЕКАЛОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7»—«Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси ўртоқ Геннадий Михайлович **Стрекалов Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали** билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Г. М. Стрекаловнинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Советининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Советининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1984 йил, 11 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ РАКЕШ ШАРМАГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Солют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Ҳиндистон Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Ракеш **Шармага** Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, **Ленин ордени** ва **«Олтин Юлдуз» медали** топширилсин.

СССР Олий Советининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Советининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1984 йил, 11 апрель.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ ДУБЛЕРИ ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ РАВИШ МАЛЬХОТРАНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Биргаликдаги Совет—Ҳиндистон космик учишни тайёрлаш ва ўтказишда актив қатнашганлиги учун тадқиқотчи космонавт дублёри Ҳиндистон Республикасининг граждани Равиш **Мальхотра Халқлар Дўстлиги ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Советининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Советининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль. 1984 йил, 11 апрель.

КОММУНИСТЛАР ТАКЛИФИ АМАЛГА ОШЯПТИ

БЎСТОНЛИҚ РАЙОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КОММУНИСТЛАР ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛГАН ТАНҚИДИЙ ФИКР ВА ТАКЛИФЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАЖРИБАСИДАН

ЯҚИНДА область партия комитетида бўлиб ўтган кенгашда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида ташкилий-партиявий ишларни янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кенгаш тавсиялари асосида ҳозир жойларда партиявий-ташкилий ишларни янада яхшилаш юзасидан конкрет чоралар кўрилмоқда. Ушбу мақолада Бўстонлиқ район партия ташкилотининг коммунистлардан тушган таклифлар, билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш бўйича олиб бораётган ишлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль Пленумида таъкидланганидек, партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов кампанияси партиянинг раҳбарлик роли янада ошганлигини, коммунистларнинг онглилиги ва активлиги юксак даражада эканлигини, партия ва халқнинг мустаҳкам бирлигини намойиш этди. Ҳисобот-сайлов кампанияси коммунистларни тарбиялашнинг, жамиятда уларнинг авангардлик ролини оширишнинг яхши мактаби бўлиб қолди. Йиғилишларда сўзга чиққан нотиқлар ҳисобот даврида бажарилган ишларни чуқур таҳлил қилдилар, тўпланган бой тажрибаларни умумлаштирдилар, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашувчи конкрет таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Ҳозирги кунда партия ташкилотлари ҳисобот даврида коммунистлар томонидан билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан конкрет чора ва тадбирларни кўрмоқдалар. Бу соҳада районимизда ҳам маълум ишлар бажарилди. Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленумида коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазалар қандай бажарилаётганлиги алоҳида кўриб чиқилди.

Ҳозир районимиз саноат корхоналари, муассасалари, колхоз ва совхозларда 134 та бошланғич, 141 та цех партия ташкилотлари, 98 та партия группаси қизғин фаолият кўрсатяпти. Улар сафига салкам 4 минг коммунист бирлашган. Коммунистларнинг кўпчилиги ҳисобот докладини муҳокама қилиш пайтида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштиришга қаратилган кўпгина қимматли таклифларни ўртага ташладилар. Йиғилишларда коммунистлар бир қатор ташаббусларни кўтариб чиқдилар.

Эндиликда районимизда беш йилликнинг тўртинчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан олдин адо этиш, меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини эса қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш юзасидан қизғин мусобақа кетяпти. Ҳамиша бўлганидек, бу мусобақада коммунистлар олдинги сафларда бормоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари кўраётган чора ва тадбирлар туфайли йилимизнинг дастлабки уч ойи давомида пландан ташқари салкам 200 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Ғазалкент тошга ишлов бериш комбинати, Товоқсой маиший химия комбинати, Ғазалкент сут заводи каби илғор корхоналарнинг коллективлари мунтазам графикдан ўзиб ишламоқдалар. Бу корхоналарда иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли ой сайин меҳнат унумдорлиги плани 1,5—2 процентдан ошириб бажариляпти.

Колхоз ва совхоз партия ташкилотлари ҳам деҳқончилик ва ҳамоат чорвачилигини ривожлантиришнинг конкрет чораларини кўрмоқдалар. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан район бўйича гўшт сотиш 26 тоннага, сут сотиш 25 тоннага, тухум топшириш 7 минг донага кўпайди. Моллар зотини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлигини партия ташкилотлари ўз назоратлари остига олгандирлар.

Саноат ишлаб чиқариши, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда ҳисобот-сайлов йиғилишида билдирилган фикр ва мулоҳазалар катта ёрдам бераётганлигини алоҳида уқтириб ўтиш керак. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва XXIV район партия конференциясининг ўзида коммунистлар маъмурият, юқори партия, совет, хўжалик органлари адресига юздан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар, танқидий фикрлар билдирдилар. Бу мулоҳазалар район партия комитети томонидан умумлаштирилиб, уларни бажариш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди. Тадбирлар район партия комитетининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган бюро мажлисида тасдиқланди. Ҳар бир таклифни бажариш юзасидан конкрет кишилар белгиланди. Уларнинг активлиги билан ўтган қисқа вақт мобайнида 70 та таклиф амалга оширилди. 25 та таклиф эса бажарилиш арафасида турибди. Ўз навбатида бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия группалари ҳам ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни амалга ошириш чораларини кўрмоқдалар.

Район партия конференциясида бир группа коммунистлар чорвачиликни ривожлантиришдаги сусткашликни фактлар асосида танқид қилдилар. Айниқса, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозида бу соҳада катта камчиликларга йўл қўйилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Конференциядан сўнг колхоз партия комитетининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда чорвачиликни юксалтириш бўйича коммунистлар билдирган фикр ва мулоҳазалар атрофлича таҳлил қилинди. Кўрилган шошилинч чоралар туфайли колхозда қорамоллар сони анча кўпайди, озуқа цехи, ёзги молхона, чорвадорлар учун турар-жой биноси қурилиши бошлаб юборилди. Ҳозир колхоз партия ташкилоти қурилиш суръатини ошириш юзасидан зарур тадбирларни кўрмоқда.

Товоқсой маиший химия фабрикаси тикувчиси А. Нурматова ҳам конференцияда қимматли фикрни олға сурди. У маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан тўлароқ фойдаланиш зарурлигини уқтирди. Оддий коммунист билдирган таклиф билан ҳозирги кунда фабриканинг оҳак ишлаб чиқариш цехи реконструкция қилинмоқда. 1984 йилда маҳаллий хомашё ва чиқиндилардан 50 тонна оҳак, 60 минг сўмлик поёндоз, 200 минг сўмлик тикув буюмлари ишлаб чиқариш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ташкилотчилик, оммавий-сиёсий ишларни яхшилаш юзасидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. 2 ва 4-ўчма механизациялашган колонналарнинг коммунистлари ўз йиғилишларида сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида ўқув машғулотлари суст бораётганлигини таъкид қилган эдилар. Коммунистларнинг танқидий мулоҳазаси район партия комитетида муҳокама қилинди. Ҳар иккала кўчма механизациялашган колонна партия ташкилотлари зиммасига пропагандистларнинг сифат составини яхшилаш, машғулотлар савиясини ошириш, тингловчилар активлигини ўстириш юзасидан конкрет вазифалар юкланди. Эндиликда ўқув машғулотлари талаб даражасида ташкил этилмоқда. Машғулотларда коммунистлар моддий ресурсларни иқтисод қилиш, илғор иш усулларини қўлланиш юзасидан конкрет таклифларни ўртага ташламоқдалар. Уларнинг аксарияти қурилиш суръатини ошириш ва ўрнатиш ишларини ёрдамсиз бажаришга қўл келмоқда.

Коммунистларнинг ҳар бир йиғилишида янги-янги фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланмоқда. Уларнинг бажарилиши юзасидан кейинги мажлисларда коммунистлар олдида ҳисоб бериб бориш яхши анъанага айланмоқда. К. Маркс номли колхоз, «Бўстонлиқ» совхози, Товоқсой маиший химия фабрикаси партия ташкилотларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари таҳсинга лойиқдир. Таклифларга бўлаётган эътибор коммунистлар активлигини янада оширишга ёрдам беряпти.

Лекин, сир эмас, айрим партия ташкилотлари коммунистлар таклифи бўйича маълум тадбирлар ишлаб чиқадилар-у, аммо уларни амалга ошириш устида қайғурмайдилар. Йиғилишларда бир масала юзасидан қайта-қайта қарорлар қабул қилинаверилади-ю лекин уларни бажаришда ташкилотчилик сезилмайди.

Район партия комитети бундай кўнгилсиз ҳолларга қарши кескин курашмоқда. Эндиликда район партия комитетининг масъул ходимлари, активлари, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари йиғилишларида мунтазам равишда иқтирок этмоқдалар. Билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олмоқдалар ва улар қандай бажарилаётганлигини вақти-вақти билан текшириб турмоқдалар. Қарорлар ижроси устидан назоратнинг кучайиб бораётганлиги кўпгина муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш имконини беряпти.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитетининг «Партиядаги ҳисобот ва сайловларнинг асосий якунлари ҳамда партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида берилган йўл-йўриқлар биз учун дастурламалдир. Шу қонда ва хулосалар асосида биз бундан буён ҳам бошланғич партия ташкилотлари ва барча коммунистлар активлигини ошираверамиз. Коммунистларнинг бутун эътибори партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишга қаратилгандир.

Н. МАДАМИНОВ,
Бўстонлиқ район партия комитетининг иккинчи секретари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ОБЛАСТЬ МУКОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

КАШТАЧИ

— ОПАЖОН, сиз шу фабрикада ишлайсизми?

Ишга шошилиб келаётган Маъмура қаршисидаги нотаниш қизнинг саволидан сўнг тўхтаб, унга тикилиб қолди. Тим қора кўзлари ёниб турган бу қиз ҳам узун-узун киприкларини пирпиратиб, унга термулиб турарди.

— Ҳа, шу ерда ишлайман.

Қиз излаган кишисини топгандай, қувониб кетди. Бироқ ийманиброқ мақсадга кўчди.

— Исмим Дилором, ўрта мактабни тамомладим, фабрикага ишга келмоқчи эдим...

— Жуда соз,— Маъмура Дилоромнинг нима демоқчи эканлигини дарров фаҳмлаб сўзини бўлди.— Ҳамкасаба бўлар эканмиз. Ундай бўлса мен билан юринг, фабрикамизни кўрсатаман, коллективимиздаги каштачиларнинг ишлари билан таништираман.

Бундан бир неча минут илгари кимга кўнгил ёришни билмай, фабрика эшигидан кириб-чиқаётганларни ҳавас билан кузатиб турган Дилором хиёл ўтмай корхонанинг ютуқ ва иститоллари ҳақида ифтихор билан гапираётган Маъмуранинг сўзларини ҳаяжон билан тинглаб борарди.

— Бу бизнинг цехимиз,— деди учинчи қаватдан кўтарилиб, тикув дастгоҳлари ўрнатилган кенг участкага етиб келишганда.— Шу цехда қўлигул каштачиларимиз халқ истеъмол молларининг 15 дан зиёд турини тайёрлайдилар.

Маъмура Дилоромни каштачилар иши билан яқиндан таништирди. Матога гул босиш усулларини, тикув машиналарининг ишлаш принципларини гапириб берди. Аҳоли томонидан севиб харид қилинаётган бу маҳсулотларни катта меҳнатлар эвазига яратилишини биринчи бор амалда кўраётган Дилором ҳар бир янги машинага, кашта буюмларга ҳавас билан қарар, ҳаяжонини яшира олмасди...

Дилором бир олам таассуротлар билан фабрикадан чиқиб кетар экан албатта шу ерда ишлашни айтди.

Инсон кимнингдир маслаҳатига муҳтож бўлган дамларда унга йўл-йўриқ кўрсатиб, ёрдам беришни хайрли иш эканини Маъмура яхши билади. Айниқса, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар тўғри йўлга тушиб олишда, касб танлашларида ёрдамга муҳтож. Ахир Маъмуранинг ўзи ҳам мактаб партасидан тўғри шу даргоҳга ишга келишига опаси Муҳайё Мирзаева сабабчи бўлган-ку! Устози, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин ордени кавалери, эндиликда смена катта мастери вазифасини

бажараётган Саодат опа Тоҳировининг унга кўрсатган ғамхўрликлари-чи. Улар сабабли Маъмура ҳаётда ўз ўрнини топа олди, касбининг қувонч-шодликларини қалбдан ҳис этди. Оқибат натижада мана ўн саккиз йилдирки, коллектив меҳнатчиларининг ҳурматини қозониб, уларнинг ютуқларига ютуқ қўшиб келяпти.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда бадиий буюмлар фабрикасининг каштачилик цехи коллективи тўғрисида гап кетганда графикдан ўзиб ишлаётганлар қаторида илғор ишчи Маъмура Тошмуҳамедованинг ҳам номини фахр билан тилга олишади. Маъмуранинг меҳнат календарида ҳозир 1986 йилнинг июль ойи ҳисоби очилган. Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида эса у планга қўшимча 18 минг 300 сўмлик маҳсулот тайёрлади.

Ўз шахсий ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган пешқадам каштачи Маъмура Тошмуҳамедова бу кўрсаткичларга тикув дастгоҳларини эпчилик билан бошқариб, тайёрланаётган халқ истеъмол буюмларининг аъло сифатли бўлишига алоҳида эътибор бераётганлиги сабабли эришмоқда. Унинг мусобақадош дугонаси Дилбар Ёқубова, ҳамкасабалари Ноила Маъдаилова, Замира Маърупова ва Маҳбуба Маҳмуджоновалар ҳам бригаданинг моҳир каштачиларидан. Маъмура уларга ўз иш усулини ўргатибгина қолмай, улардан кўп нарсани ўрганди, ўз муваффақиятларини коллективидаги ана шундай жонкуяр меҳнатчиларга таянишда деб билади.

— Маъмура цехимиз фахри,— дейди ўз шогирди тўғрисида тўлқинланиб гапирар экан смена катта мастери Саодат Тоҳирова.— У цехимиздаги тажрибали каштачилар қаторида палак, сўзана, зардевор сингари сержило буюмларни тайёрлайди. Бу ишни ҳамма ҳам уддалайвермайди. Бунинг учун тикувчидан ўткир зеҳн ва катта тажриба талаб қилинади. Маъмура каштачилик сир-асрорларини қунт билан эгаллаб олганлиги туфайли ҳам ҳар қандай мураккаб жараёнли вазифаларни уддалаб келаяпти. Шунинг учун бўлса керак бу чеварнинг қўлидан чиқаётган маҳсулотларнинг олти тури аъло сифатга қабул қилиняпти.

Маъмура Тошмуҳамедова шу кунларда бир гайратига ўн гайрат қўшиб меҳнат қилмоқда. У йиллик шахсий планини 7 ноябрга қадар бажариб, 7800 сўмлик ишни амалга оширишга ва йил охирига қадар яна 2,5 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берган.

— Белгиланган марраларни забт этиш осон эмас, улар анча юқори,— дейди Маъмура Тошмуҳамедова.— Лекин мен, албатта, ўз сўзимнинг устидан чиқаман. Қатъий шундай дейишимга сабаб бор: бу йил Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Мен эса ўз қўлим билан тайёрлаган буюмларим байрам безаклари тарақасида ишлатилишини жуда-жуда истайман.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.

ҲИНДИСТОН МУКОФОТЛАРИ

Ҳиндистон президенти Заил Синг бугун Совет—Ҳиндистон экипажининг аъзолари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Ю. В. Малишев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Г. М. Стрекалов ва тадқиқотчи-космонавт Ракеш Шармани Ҳиндистон Республикасининг қаҳрамонлик ва мардлик учун бериладиган олий мукофоти — «Ашока Чакра» ордени билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонни тасдиқлади.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил 10 апрелда бўлиб ўтган Пленуми материаллари алоҳида китобча қилиб чиқарилди. Китобчага Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион билдириш, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко нутқи, КПСС Марказий Комитети Пленумининг халқ депутатлари Советлари ишини янада яхшилаш тўғрисида ҳамда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳақидаги қарорлари киритилган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти кўп нусхада чиқарди.

(ТАСС).

ҚЎШИМЧА СЕЯЛКАЛАР

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлари пахтакорларимизнинг оғирини енгил қилиш мақсадида шу кунларда янада самарали ишламоқдалар. Баҳорги экиш ишлари бошланиши муносабати билан хўжаликларга кўплаб сеялкалар жўнатила бошланди. Айни пайтнинг ўзида улар учун эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарила бошланди.

Ҳозирга келиб ҳар куни «СТХ — 4Б» маркадаги чигит экиш сеялкаларининг 40таси тайёрланяпти. Йил бошидан бери эса хўжаликларга 2,5 мингтадан ошиқ шундай машиналар жўнатилди.

Бирлашмада Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа авж олдирилиши ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаяпти. Мусобақа пешқадамларидан Р. Содиқов, М. Райфутдинов, Р. Саидов, Г. Холматов, Б. Соломахинлар ҳозирнинг ўзидаёқ июнь ҳисобига маҳсулот топширишга киришдилар.

С. СУЛТОНОВ.

ФАН ОЛАМИДА

СУЮҚ КРИСТАЛЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА 30-йилларда совет олимлари В. Фредерикс ва В. Цветков суюқ кристалларнинг электрик ва оптик хусусиятларини ўрганишди. Асримиз бошида немис олими Д. Форлендер шоғирдлари ёрдамида юзлаб шундай моддалар тайёрлади. Ҳозирги вақтда эса суюқ кристалларнинг сони 5000 дан ортиб кетди.

Суюқ кристаллар ҳар хил моддалар учун хос бўлган жараёнлар оралиғида вужудга келди. Баъзи моддаларнинг суюқ кристаллик ҳолатига келиши учун атиги 3 даража температура етарли. Аммо шундай бирикмалар ҳам учрайдики, уларнинг суюқ кристалга айланиши учун 100—120 даража температура керак бўлади. Суюқ кристаллар жуда хилма-хил хоссаларга эга бўлиб, шароит салгина ўзгарганида ҳам уларнинг баъзи хоссалари кескин ўзгариб кетади. Шундай моддалар ҳам борки, ранги температура ўзгаришига боғлиқ ҳолда алмашиниб туради. Суюқ кристалларнинг бу хоссаси инфрақизил тасвирни кўринадиган тасвирга айлантириб берадиган ўзгартргич ясашга имкон беради.

Баъзи суюқ кристаллар электр майдони таъсирида оптик хоссаларини ўзгартиради. Бундай моддалардан турли хил оптик индикаторлар ясашда фойдаланилади. Масалан, ҳозирги вақтда жуда кўплаб ишлаб чиқарилаётган «Электроника» кўл соатининг циферблатида вақт стрелка билан эмас, балки алмашиб турувчи рақамлар билан кўрсатилади.

Суюқ кристаллардан фойдаланиш соҳалари жуда кенг. Ҳозирги вақтда у ЭҲМ да, микрокалькулятор, хона температурасини кўрсатиб турадиган асбоб ва термометларда қўлланиляпти.

Телевизор учун вакуумсиз экран яратиш соҳасида жаҳоннинг кўпгина олимлари шуғулланишмоқда. Чунончи, Японияннинг Матсушит фирмасида экранига суюқ кристал жойлаштирилган телевизор ишлаб чиқарилди. Бу моддадан биология ва медицинада ҳам фойдаланилмоқда.

Деярли ҳар қандай кирланишни биз оддий совун билан ювиб тозалаймиз. Кир зарралари ва тозаланаётган сирт бир-бирига нисбатан осон сирпанувчи суюқ кристаллар билан қопланиб, сув билан тушиб кетади. Уй бекалари ҳар сафар кир ювганларида ўзлари билмаган ҳолда суюқ кристаллнинг ана шу ажойиб хоссасидан фойдаланадилар.

Шунингдек суюқ кристаллар кўринмас нурлар муҳитида сурат олишда, яллигланиш жараёнларига диагноз қўйишда, «қўл етмайдиган» жойлардаги ҳароратни аниқлашда, ҳаво таркибидаги зарарли моддаларнинг миқдорини аниқлашда, ҳисоблаш машиналари ва навигацион таблолар яратишда ёрдам беради. Тошкент Давлат университети физика кафедрасида суюқ кристалларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Олиб борилаётган тадқиқотлар унинг порлоқ истиқболидан дарак бермоқда.

И. ҚОДИРОВ,
ТоШДУ физика факультети электроника кафедрасининг ходими.

ПРОПАГАНДИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

Ўшанда у мактабда тарихдан дарс берар эди. Совхоз партия комитети янги ўқув йили арафасида сиёсий маориф системаси пропагандистларини тасдиқлаётганда Зикир Эгамназаровнинг номи ҳам тилга олинди.

Бу масъулиятли партия топшириғи унга унчалик қийин туюлмади. Ёш пропагандист машғулот ўтиш учун фақатгина маълум адабиётлардан фойдаланиш, тингловчиларга топшириқлар бериш, уларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини эшитиш кифоя деб тушунар эди. Кейинчалик билса, бу-лар жуда камлик қилар экан. Ўқувнинг самарали бўлиши учун аввало тингловчиларнинг активлигини, машғулотларнинг қизиқарли ўтишини таъминлаш лозим экан. Бу эса пухта билимни, доимо ўз устида ишлашни талаб қиларди. З. Эгамназаров пропагандистлик вазифасига жуда жиддий муносабатда бўла бошлади. Ўқиди, ўрганди, изланди. Мана чорак асрдан бери у қишлоқ меҳнаткашлари қалбига ва онгига йўл топяпти.

Ҳозир у раҳбарлик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабида 30 нафар тингловчи шуғулланади. Улар орасида турли касб эгалари бор. Тингловчиларнинг дунёқарашлари, қизиқиш доиралари ҳар хил. Шунинг учун улар активлигини оширишда турли самарали методлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Масалан, проблемали машғулот ўтишни олайлик. Ўқишнинг бу формаси афзаллиги шундаки, унда тингловчи назарияни амалиёт билан боғлайди. У ёки бу масала устида жиддий фикрлашга ўрганади. Зикир ака машғулотларда лекция ўқишдан кўра суҳбат ўтказишни маъқул кўради. Негаки, суҳбат, биринчидан, кишиларни диққат-эътибор билан тинглашга ўргатса, иккинчидан пропагандист билан тингловчилар ўртасида жонли мулоқат ўрнатади.

Машғулотларнинг бирида мактабда «КПСС XXVI съезди — коммунизм йўлидаги янги муҳим босқичдир» мавзуи ўрганилди. Зикир ака мамлакатимизда коммунизм қуриш учун олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб берди.

— Съезд қарорлари қандай амалга оширилаётганлигини бизнинг «Партия XXI съезди» совхози мисолида ҳам кўриш мумкин,— деди у.— Сабзавот, картошка, мева, узум ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Биргина ўтган йилда эл дастурхонига 8658 тонна сабзавот, 327 тонна картошка, 500 тонна мева, 50 тонна гўшт, 609 тонна сут етказиб берилди. Экинлар ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги келгусида янада ошади.

Шундан сўнг пропагандист КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ва февраль (1984 йил) Пленумларида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдига қўйилган вазифаларга тўхталди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун нималар қилиш кераклигини тингловчилардан сўради. Табийки, улар ҳали бу мавзуга тайёр эмас эдилар. Ана шунинг учун ҳам пропагандист тингловчиларга бу масалаларни ўз коллективи ҳаёти билан боғлаб ўрганиб келишни ва келгуси машғулотда гапириб беришни топширди. Навбатдаги машғулотда сўзга чиққанлар аввалги саволга батафсил жавоб бердилар.

— Меҳнат унумдорлиги,— деди марказий устахона мудири Т. Саидаминов,— ҳар биримизнинг ўз вазифамизни қанчалик тўғри тушунишимизга боғлиқдир. Хўжалигимизда бу борада анчагина ишлар қилиняпти. Ҳозир деҳқончиликдаги ишларнинг қарийб 70 проценти механизация зиммасига юкланган. Ер ҳайдаш, экинларга жой тайёрлаш, карам экиш, картошка ҳосилини йиғиб олиш каби юмушлар техника ёрдамида бажарилмоқда. Беш йиллик охирига бориб механизациялаш даражаси 85—90 процентга етказилади.

Тингловчи шу билан бирга хўжаликда йўл қўйилаётган камчиликлар устида ҳам тўхталди. Айрим бригадаларда механизациядан унумли фойдаланилмаётганлиги, гоҳида тракторлар беҳуда тўхтаб турганлиги ёки сифатсиз иш бажараётганлигини таъкидлади. Шу тариқа жуда назарий бўлиб туюлган мавзу амалий ишлар билан боғланиб кетди. Пропагандист совхоз партия комитетига механизациядан унумли фойдаланиш бўйича тингловчилар билдирган таклиф ва мулоҳазаларни айтди. Машғулот хўжаликдаги ишларни яхшилашга таъсир кўрсатди. Ҳар бир трактор, механизмдан фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмларни тежаш устидан назорат кучайтирилди.

З. Эгамназаров доимо изланишда. У мамлакатимиз илғор тарғиботчиларининг «Пропагандистнинг ғоявий эътиқоди, ташкилотчилик қобилияти — беш йиллик хизматига» шиори остида ишлаб, тингловчиларнинг активликларини ҳар томонлама оширмоқда. Унинг ижодий иш планининг бир қисми тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятига бағишланган. Моҳир пропагандист партия ташкилотининг ёрдамига таяниб, машғулот қатнашчиларини меҳнаткашлар ўртасида лекция ва суҳбатлар ўтказиш, у ёки бу коллективдаги оммавий-сиёсий ишларни таҳлил қилиш, социал-иқтисодий планларнинг қандай бажарилаётганлигини ўрганиб чиқиш каби топшириқларни бажаришга жалб этмоқда. Бу билан тингловчилар партия ташкилотига кўмаклашмоқдалар, ўзлари ҳам кўп нарсани ўрганмоқдалар.

Масалан, тингловчи М. Қурбонов совхозда бухгалтер бўлиб ишлайди. Машғулотларда актив иштирок этади. Хўжалик ҳаётидан мисоллар келтириб, назарияни амалиёт билан яхши боғлайди. Одамлар билан иқтисодий мавзуда яхши суҳбатлаша олади. Пропагандист буларни ҳисобга олиб уни далачилик бригадасида иқтисодий мавзуда суҳбат ўтказувчи сиёсий ахборотчиликка тавсия этди. Ҳозир М. Қурбонов тез-тез деҳқонлар ҳузурида бўлиб, қизиқарли суҳбатлар ўтказяпти. Шунингдек, Т. Турдиматов, И. Исоқжонов, М. Расулов сингари тингловчилар ҳам маълум бир топшириққа эгадирлар.

Пропагандист ҳар галги машғулотни алоҳида бир синов деб билади. Зеро, буларда пропагандист тингловчилар билан янги вазифалар хусусида суҳбатлашади, ҳаёт илгари сураётган янги муаммоларни ҳал этиш йўлларини улар билан биргаликда излайди. Машғулотларда кишиларга берилаётган билимлар уларнинг онгига сингиб бораётганлиги, бу билимлар тингловчилар ҳаётий позициясини белгиловчи омилга айланаётганлиги эса пропагандистга янгидан-янги илҳом бахш этади. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, коммунист Зикир Эгамназаров доимо ўқиб-ўрганишни ўзининг бурчи, деб билади.

А. ҲАТАМОВ,
Калинин райони.

● ОЛМАЛИҚДАГИ 126-ҳунар-техника билим юртида малакали ишчи ўринбосарлари тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда барча машғулотлар қизиқарли ва бугунги талабларга боғлиқ ҳолда олиб борилаётир. Суратда: ўқитувчи Н. Авдеева ўқувчилар билан амалий машғулот пайтида.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

БИЗ ИШЧИ БЎЛАМИЗ

Химиклар маданият саройи бу кун тантанали тус олди. Бу ерга Олмалиқ шаҳридаги барча ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари анъанавий слётга йиғилдилар. Слёт программасида илғор ишчилар билан учрашувлар, ҳунар-техника билим юрти талабаларининг чиқишлари бор эди. Улар меҳнатдан келаётган обрў-эътибор, ишчиларнинг бунёдкорликлари туфайли яратилаётган бойликлар, тўкин ва фаровон замонамиз ҳақида мароқ билан сўзладилар.

Шаҳар маданият уйи ҳузуридаги «Фестиваль» агитбригадаси коллективи слётга бағишлаб «Ишчи қўллари» деган махсус программада концерт тайёрлаб келди. Улар ижро этган қўшиқ ва рақслар, театрлаштирилган томошалар слёт қатнашчиларига манзур бўлди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги бу йил ўрта мактабларни тугатгандан сўнг шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларига кириб, ўқиш истагини билдирдилар.

●

РОЛИКЛИ КОНЬКИДА РАҚС

Бундан беш йил аввал Тошкент трактор заводининг маданият саройида роликли конькида рақсга тушувчи хореографик ансамбль ташкил этилган эди. Асосан тракторсозларнинг фарзандлари бўлган ёш санъатсеварлар қунт билан янги рақслар ижро этишни ўргана бошладилар. Уларнинг маҳоратлари оша бориб, тез-тез тенгдошлари, студентлар, ҳузурида янги концерт программаларини намойиш этмоқдалар. Улар беш марта республика ёш санъатсеварлар конкурсининг голиби бўлишди.

Яқинда ҳаваскорлар тракторсозларга «Баҳор композицияси» деб номланган программани кўрсатдилар.

ЯНГИЛИКЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ҲАБАР ҚИЛАДИЛАР

АТИРГУЛЛАРНИНГ ТУРИ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Н. И. Вавилов номли бутуниттифоқ ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти Ўрта Осиё филиалининг олимлари атиргулнинг 12 хил энг яхши нави кўчатини экишга тайёрладилар. Атиргул кўчатлари Тошкент областининг колхоз ва совхозларида, Чирчиқ шаҳрининг саноат корхоналарида, дам олиш уйлари ва санаторийларида гулзорлар барпо этиш учун юборила бошланди.

Москва ботаника боғидан келтирилган ва филиалда кўпайтирилган янги «Звезда октября» атиргул нави гоят харидоргирдир.

Бундай атиргуллар узоқ вақт сўлмайди, катта-катта қизил ва оқ-сариқ рангда гуллайди.

Ўрта Осиё филиали коллекциясида ҳозир атиргулларнинг 75 хил нави мавжуд.

●

ИПАК ҚУРТИ БОҚИШ МАВСУМИГА

Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институтининг селекциячилари ҳозирнинг ўзидаёқ районлаштирилган «Юбилейний» ва «Гулистон-2» навлари асосида тутнинг янги дурагай навини яратдилар. Фарғона зонал станциясининг питомнигида уруғ етиштириш ва кўчат олиш учун ана шу дурагай майдони барпо этилди.

Фарғонада етиштирилган янги тут кўчатлари бир қанча афзалликларга эга бўлиб, улар баргининг йириклиги, унда намлик, мой, карбон ва ипак қурти ўсишини жадаллаштириш учун зарур бўлган бошқа тўйимли моддалари кўплиги билан ажралиб туради. Янги тут дарахти энг яхши навларга қараганда тўртдан бир баравар кўп барг беради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИАПРОЕКТОРЛАР ЁРДАМИДА

Слайдлар ва диафильмларни намойиш этиш мумкин

«СВИТЯЗЬ-М» слайдларни экранда 75 марта катта қилиб кўрсатади. Диапроекторда ўрнатилган махсус приставка туфайли бир неча секунд вақтнинг ўзида слайдларни кўрсатишдан диафильмларни намойиш этишга ўтиш мумкин.

Рангли диафильмларни тайёрлаш билан машғул бўлаётган фотоҳаваскорлар учун диапроектор ғоятда зарур бўлиб, бу уларга диафильмларни нўлдан кечириш имконини беради.



«ПЕЛЕНГ-500 К» — юксак техника кўрсатгичларига эга бўлган ўрта классдаги замонавий диапроектордир. «ПЕЛЕНГ-500 К» диапроекторини ишлатиш ҳар томонлама осон. Аппарат диапозитивларини автоматик тарзда алмаштиради. Бунинг учун диапроектордаги кнопкани босишнинг ўзи кифоя. Ушлагичдаги белгилар диамагазинда аралашиб кетган слайдларни кўрсатади.

Асфирик ёритиш системаси қўлланилиши эвазига диапроекторда экраннинг бир меъёрда ёрўғланиши кафолатланган.

«СВИТЯЗЬ-АВТО» — автоматик диапроектор бўлиб 50х50 миллиметр ҳажмли рамкага жойлаштирилган 18х24 ва 24х36 миллиметр форматли оқ ва қора ҳамда рангли тасвирдаги диапозитивларни намойиш этиш учун мўлжалланган. Диапроекторни уйда, шунингдек мактаб синфида, ўқув аудиториясида бемалол ишлатиш мумкин.

«ЭКРАН» — кичик ҳажмли диапроектори тузилишининг соддалиги, ишончли ишлаши ва енгил, бежиримлиги билан ажралиб туради. Бошқа жойга кўчиришда ҳар томонлама қулай.

Савдо ташкилотларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«Узкультторг»нинг Тошкент областлараро базасида «Свитязь-М», «Свитязь-автор», «Пеленг-500 К», «Спутник», «Экран», «Этюд 2 Ц» диапроекторлари исталганча бор.

«УЗКУЛЬТТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

(телефон 96-0176).

ҲАР ҚАНДАЙ УЙ БЕКАСИ СОВУННИ ҚУРУҚ ВА ОРАСТА САҚЛАЙДИГАН АЖОЙИБ ИШЛАНГАН СОВУНДОННИНГ ҚАДРИГА ЕТАДИ.



Бу совундон ўзининг ҳаволи мустаҳкамлагичи туфайли ойнада, кафелда, пластикада маҳкам ўрнашиб туради.

Ҳаволи маҳкамлагичли магнитли совундон 85 тийин туради. Уни шаҳарнинг барча хўжалик моллари магазинларидан сотиб олиш мумкин.

«ЎЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ (телефон 96-07-12).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

УЗОҚ ШАРҚКА ЮБОРИЛДИ

Чирчиқ трансформатор заводи

— Корхонамизда яна бир янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу — кўчма комплект подстанцияларидир. Илгари бундай агрегатлар қаттиқ совуқда тезда ишдан чиқар эди. Инженер — конструкторларимизнинг кўп йиллик изланишлари ўзининг ижобий самарасини берди. Янги подстанциялар 60 даража совуқда ҳам бемалол ишлай олади.

Яқинда бу агрегатлардан иккитаси Якутияга юборилди. Ишчиларимиз йил охиригача яна бешта аёз шундай кўчма подстанциялар ишлаб чиқарадилар.

ЮНУСОБОДДА ҚУРИЛАДИ

«Узгипротяжпром» лойиҳалаш институти

— Конструкторларимиз янги автотранспорт корхонаси лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бўлажак корхонада автохўжаликларни ёнилғи билан таъминлайдиган махсус машиналарга ремонт ва техник хизмат кўрсатилади.

Янги корхона маиший ва маъмурий бўлимдан иборат бўлади. Павильонларда автомобилларга малакали хизмат кўрсатиш учун барча қулайликлар яратилади. Улар энг замонавий техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Ю нусобод массивида бунёд этилади.

«МЕҲНАТ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ»

«Уста» халқ амалий санъати бирлашмаси

— Таниқли рассомлар, бирлашмамиз усталари Ниёзали Холматов, Мирҳамид Собировлар яқинда якунлаган тўрт йирик панно дан иборат асар шундай деб номланди. У Гулистон шаҳар театрининг фойесига ўрнатилади.

Ниёзали Холматов «Ер ҳақида қўшиқ», «Сув ҳақида қўшиқ», «Бахт ҳақида қўшиқ» каби уч панно нинг авторидир. Уларда серқуёш ўлкамизнинг табиати, меҳнат кишиси таранум этилади.

Мирҳамид Собировнинг панноси эса халқ театрига бағишланган. Унда ўзбек халқ эртакларининг қаҳрамони Качал полвон образи гавдалантирилган.

ОБЛАСТИМИЗДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

НОМИГА МУНОСИБ БЎЛСИН

Дам олувчиларга барча қулайликларни яратиб бериш мақсадида областимиздаги олти маданият ва истироҳат боғи ва Тошкент денгизида янги мавсумга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Боғларнинг очилишига саноқли кунлар қолянти. Биз область ижроия комитети маданият бошқармасида бўлиб, оромгоҳларда бажарилаётган шу кунлардаги ишлар билан қизиқдик.

— Янги мавсумга ҳозирлик ўтган йилнинг кўз фаслида бошланган эди,— дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Юлдуз Юсупова,— боғларда 1600 туп манзарали дарахт, бир неча юз бута, кўплаб гул кўчатлари ўтқазилди. Бу йил ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилиб, кўплаб дарахт кўчатлари, 2500 туп гул, 47 минг туп яшил тўсиқ экилди.

Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларида янги ўйин аттракционлари ва биллиард павильони қуриб битказилди. Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарлари маданият ва истироҳат боғларида эса автошаҳарчалар бунёд этиляпти. Бу йилги мавсумда ангренликларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, «Берёзка», «Ветерок», «Грибок» аттракционлари ўрнатилди. Рақс майдончаси қурилди.

Тошкент денгизи дам олиш зонасига 100 машина шағал, 150 машина қум келтириб тўкилди ва текисланди. 24 та сув велосипеди, 30 та эшкакли, 3 та моторли қайиқ дам олувчилар ихтиёрида бўлади. Қайиқ станцияси, биллиард павильони ва соябонлар ремонт қилинди.

Ҳар бир маданият ва истироҳат боғи оталиқ корхоналарга бириктирилган. Баъзи корхоналар мунтазам равишда ободонлаштириш ишларини ўз вақтида ва сифатли бажариб келмоқда. Масалан, Чирчиқдаги қурилиш материаллари комбинати шаҳар боғига 30 та ўриндиқ ясаб берди. 47-ремонт қурилиш бошқармаси ишчилари эса боғ атрофини панжарали девор билан ўрадилар. «Узбекхиммаш» заводи бежирим фавворачалар қуриб берди.

Лекин афсуски, худди шу шаҳардаги баъзи оталиқ ташкилотлари эса бундай ишларга панжа орасидан қараб келмоқдалар. Масалан, Чирчиқ шаҳар электр тармоқлари корхонаси боғни электр ёритиш ускуналари билан таъминламади. 189-қурилиш-монтаж бошқармаси эса бир неча йилдан бери ўйин-автоматлари залини ситиш системасини ремонт қилиб бермаяпти. 225-УНР ўтган йили якунлаши керак бўлган «Мороженое» кафеси қурилиши ўлда-жўлда қолиб келаяпти. «Чирчиқжилстрой» бошқармаси маданият ва истироҳат боғининг марказий ҳиёбонини ободонлаштиришни якунлагани йўқ. Боғларда янги мавсумнинг бошланишига саноқли кунлар қоляпти. Ахир бу оромгоҳларда чирчиқлик меҳнаткашларнинг ўзлари, уларнинг фарзандлари ҳордиқ чиқарадилар-ку.

Худди шундай манзарани Бекободда ҳам кўриш мумкин. Шаҳардаги йирик корхоналардан бири — Ўзбекистон металлургия заводи маблағи ҳам, ишчи кучи ҳам етарли бўлгани ҳолда шу кунгача боғга неон чироқларини ўрнатиб бермади. Электромонтаж бошқармаси ана шу чироқлар учун кабель ётқизиши лозим эди. Норуда материаллар комбинати кўлнинг қиғоқларини тартибга келтирмади.

Истироҳат боғларида савдо шахобчаларининг безатилиши ҳамон кўримсиз бўлиб қоляпти. Меҳнаткашларга кўрсатилаётган хизмат талаб даражасида эмас. Область савдо бошқармаси ходимлари бу билан жиддий шуғулланмаяптилар. Ўтган мавсумда Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ райони маданият ва истироҳат боғларида музқаймоқ ва салқин ичимликлар керакли миқдорда келтирилмади. Спиртли ичимликлар сотиш, дам олувчиларнинг тинчлигини бузиш каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлди.

Тошкент денгизида меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам худди шу қулайликлар яратилмаган. Кўп йиллардан буён денгизнинг ўнг қиғоғини ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаяпти. Қиғоқ фақат тақирликдан иборат. Уни кўкаламзорлаштириш, соябонлар ўрнатиш учун ҳеч қандай маблағ йўқ. Республика маданият министрлиги бу масалани ҳал қилиш чораларини кўриши керак.

Областимиздаги маданият ва истироҳат боғлари ўз номига муносиб бўлсин. Уларда оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни яна да жонлантириш, оммавий сайллар, янгича урф-одатларни тарғиб қилувчи кечаларни, халқ бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари, қизиқарли давра суҳбатлари ташкил қилиш лозим.

Бу йил областимиз боғларида 3 миллиондан ортиқ киши дам олади. Меҳнаткашлар бу ердан маънавий озиқ олишлари, самарали меҳнатдан сўнг намунали ҳордиқ чиқаришлари учун тез кунлар ичида барча шароитлар муҳайё қилиниши керак.

А. НОСИРОВА.
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ҲАҚИҚАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ДАМАШҚ. Исроиллик босқинчи маъмурлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида ва Ғазо секторида ўтган кунлар давомида одамларни яна қамоққа олдилар. Наблус, Рамаллах, Шарқий Қуддус ва бошқа шаҳарлар ҳамда аҳоли пунктларининг уй-жой кварталларини полиция ва қўшинлар ўраб олди. Улар босқинчиларнинг зўравонлигига қарши оммавий норозилик намойишларининг қатнашчиларини, касаба союз арбобларини қамоққа олдилар ва турмаларга жўнатдилар. Маҳбусларни «хавфсизликка тутиш» ва Фаластин озодлик ташкилотини қўллаб-қувватлашда айбламоқдалар.

● ВАШИНГТОН. Гана миллий мудофаа муваққат кенгашининг раиси Жерри Ролингс Рейган маъмуриятининг ташқи сиёсатини кескин танқид қилди. У Америкада чиқадиган «Африка рипорт» журналининг мухбири билан суҳбатда шундай деди: Вашингтон халқаро ишларда қўпол куч ишлатишга, жанжалли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишдан бош тортишга умид боғламоқда.

АҚШнинг ҳозирги маъмурияти, деди Гана раҳбари, аслида можароларни сиёсий бартараф этиш имкониятларини назар-писанд қилмай, ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган воқеаларни, мазкур давлатлардаги ҳатто ички воқеаларни «ўзининг манфаатларига таҳдид» деб билмоқда.

● ДАККА. Бангладешда «Кенг халқ оммаси манфаатларини кўзлаб туб социал-иқтисодий ўзгартишлар амалга оширилсин» деган шиор остида Бангладеш Коммунистик партиясининг пропаганда кампанияси бошланди. Бутун мамлакатда митинглар, коммунистларнинг жамоатчилик вакиллари билан учрашувлари ўтказилади.

● ДАКАР. Мавритания Ислом республикаси Умумафрика ахборот агентлиги (ПАНА)нинг 30-аъзоси бўлиб унга расмий равишда қўшилди. Мавритания давлатининг бу қарори мустақил Африканинг бундан беш йил муқаддам таъсис этилган агентлакни қитъани ривожлантиришнинг таъсирчан қуролига айлантиришга интилаётганлигидан яқ-қол далолат беради, деди Умумафрика ахборот агентлигининг директори Усмон Диалло.

(ТАСС).

ИҒВОГАРЛИКЛАР УЧУН МАЙДОН

РИМ. (ТАСС). Италияда чиқадиган «Панорама» журналининг ёзишича, Қўшма Штатлар Гондураснинг Никарагуага қарши қўпорувчилик ишлари олиб бориш учун ўзининг ҳарбий майдонига айлантирган. Мамлакат территориясида, деб ёзади журнал, «Американинг мураккаб электрон ускуна билан жиҳозланган жосус самолётлари» жойлаштирилмоқда. Бу ерда Саваннадаги (Жоржия штати) базадан Гондурасга келган Америка армиясининг ашаддий жосусларидан 300 киши — 224-ҳарбий разведка батальони мутахассислари ҳам иш кўрмоқда.

ҲИНДИСТОНЛИКЛАР — ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ!

ДЕҲЛИ. Мамлакатнинг турли шаҳарларида ҳиндистонлик миллионлаб кишилар Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига биноан нишонланаётган Осиё ҳафталигига бағишланган тадбирларда Ҳиндистоннинг энг катта шаҳри — Калькуттада (Ғарбий Бенгалия штати) жамоатчиликнинг оммавий митинги бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари АҚШнинг ҳинд океанини милитарлаштиришга қаратилган йўлига қарши қатъий норозилик билдирдилар. Ғарбий Бенгалия штати ҳукуматидаги саноат министри профессор Нирмал Бос Пентагоннинг Ҳинд океани акваториясида жон-жаҳди билан ҳарбий тайёргарлик кўраётганлиги ушбу регионда кескинликни кучайтиришга олиб боради, деди.

МЕКСИКА ХАЛҚИГА МАКТУБ

МЕХИКО. Мексика президенти Мигель де ла Мадрид халққа мактуб билан мурожаат этиб, унда ўзининг яқинда чет элларга қилган сафари ҳамда Колумбия, Бразилия, Аргентина, Венесуэла ва Панама президентлари билан учрашувлари якунларига юксак баҳо берди. Музокаралар, деди у, Ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, Ер куррасининг турли районларидаги ҳарбий можароларнинг манбаларини тугатиш Лотин Америкаси халқлари учун биринчи даражали масалалар эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Учрашувлар вақтида халқаро кескинлик янада кучайиб бораётганлигидан чўқур хавотирлик билдирилди.

(ТАСС).

Нью-Йорк. Рейганнинг милитаристик сиёсати туфайли Америкада ишсизлар ва қашшоқлар сафи кенгайиб бормоқда. Мамлакатнинг хайрли ишлар билан шуғулланувчи ташкилотлари уюштираётган бепул овқатланиш жойларида навбат кутувчиларнинг кети узилмайди. АДН агентлигининг хабар беришича, Бронск касалхонаси олдида навбат кутиб турган 15 минг мухтож америкалик (суратда) қисмати давлат маъмуриятини асло ташвишга солмаяпти.

АДН—ТАСС телефотоси.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТХВ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 —Концерт залида — мактаб ўқувчилари. 10.25 — Жадаллаштириш. Бадиий фильм. 4-серия. 11.30 — Телефильм. 12.00 — Концерт. 12.30 за 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Концерт. 16.45 — Стадион ҳамма учун. 17.15 — Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига. 17.45— Ғолиблар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Усмирлар ижоди. 20.05 — СССР Олий Советининг депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.20 — Хоккей. ЧССР—СССР. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.45— Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 ва 12.05 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.00 — Сен қонунни биласанми? 14.35 — Илмий-оммабоп фильм. 14.55 — Драматургия ва театр. 15.40 — Ишчилар синфи сафига кирар эканман. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Гитарачи Н. Епес чалади. 19.05 — Улар йўлда учрашдилар. Бадиий фильм. 20.45— МТ ва БР симфоник оркестри чалади. 21.30 — «Время». 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Гандбол бўйича СССР чемпионати. 23.15 — Футбол. «Арарат» — «Динамо» (Киев).

ЎзТВ-I. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30— Ёшлик. 19.00 — Анъаналар ва замонавийлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Эстония телевидениесининг программаси. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстония телевидениесининг программаси. 21.30 — «Время». 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — Қалб ила адо этилган парвоз. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.00—Москва-II. 18.15 — Ўқув программаси. 18.45 — Телефильм. 19.00 — Телефильм. 19.30 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.50 — Реклама. 20.00 — Тошкент янгиликлари 20.20 — Ҳовлимиздаги стадион. 20.50 — Кинопрограмма. 21.30 — МТ-II.

СССР Ички ишлар министрлиги
Новосибирск, Саратов, Пермь, Оржоникидзе олий ҳарбий командирлик билим юртларига
Ленинград олий-сиёсий билим юртига ва Харьков олий ҳарбий билим юртига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юртларига ўрта маълумотга эга бўлган, иш ёки ўқиш жойидан ижобий характеристика билан келган, соғлиғи СССР Ички ишлар министрлигининг билим юртларида ўқиши учун тўғри келадиган ҳамда кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган 21 ёшдан катта бўлмаган йигитлар қабул қилинади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 10 синф ўқувчилари 9 синф табели ва 10 синф табелидан кўчирма тақдим қилишлари шарт.

Аризада билим юртининг номи, ариза ёзувчининг исми, фамилияси ва отасининг исми, туғилган йили ва ойи, маълумоти, миллати ҳамда уй адреси ёзиб кўрсатилиши лозим.

Ўқиш муддати — 4 йил.

Билим юртларини тугатганларга диплом ва лейтенант унвони берилади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш, медицина комиссиясидан ўтиш ва номзодларни кириш имтиҳонларини топширишга йўлланма билан юбориш Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими томонидан ўтказилади.

Мурожаат учун адрес: 700143, Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 243-уй, Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
/ "Ташкентская правда"/
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент-П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 07180. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. В. 1682 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12